# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

№ 29 (10.606).
1994 йил
27 апрель
чоршанба

Сотувда
эркин нархда

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


# Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран Ўзбекистонда

*25 апрель куни Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран давлат ташрифи билан Тошкентга келди.*

*Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмон шарафига ҳар икки давлат байроқлари кўтарилди.*

*Аэропортда Франсуа Миттеран жаноблари ва унинг рафиқасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан пешвоз чиқди. Миллий либослардаги қизлар меҳмонларга баҳор гулларини тақдим этдилар. Франция ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиялари янграганидан сўнг Ислом Каримов ва Франсуа Миттеран миллий гвардиячиларнинг фахрий қоровули сафи олдидан ўтдилар.*

*Автомобиллар карвони қароргоҳ томон йўл олди. Меҳмонларни байрамона безатилган Тошкент кўчаларида минглаб шаҳарликлар ва пойтахтимиз меҳмонлари олқишлар билан кутиб олдилар. Дунёдаги энг ривожланган давлатлардан бири — Франция раҳбарининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистоннинг тобора юксалиб бораётган халқаро мавқеидан нишонадир. Мамлакатимиз раҳбариятининг тинчликсевар ташқи сиёсати, адолатли ва демократик жамият қуришга қаратилган ички сиёсати жаҳонда катта обрў-эътибор топмоқда. Айни пайтда Франция Марказий Осиё Давлатлари, жумладан Ўзбекистон билан муносабатларни янада мустаҳкамлашга интилмоқда.*

*Ўзбекистонга Франция Президенти билан бирга бир қанча вазирлар, дипломатлар, ишбилармонлар ва маданият ходимларининг катта гуруҳи келди.*

*Ташриф давомида иккала мамлакат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик масалалари, минтақадаги аҳвол, экология муаммолари муҳокама қилинди. Музокаралар якунида бир қанча ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда. Ф. Миттеранга ҳамкорлик қилаётган француз ишбилармонлари эса ўзбек ҳамкорлари билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш ниятидалар.*

*Шу куни икки мамлакат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бўлиб ўтди.*

*Оқшом Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноб Франсуа Миттеран ва Даниель Миттеран хоним шарафига зиёфат берди.*



Музокаралар пайти

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ М.Ш.ШАРИФХЎЖАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ — ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ВА СТАТИСТИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мурот Шарифхўжаевич Шарифхўжаев Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон республиқаси**
**Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 24 апрель

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЙНИНГ ФАРМОНИ

### РЕСПУБЛИКА "МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ" ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, истиқлол йўлида буюк давлат барпо этишда маънавият ва маърифат омилларини ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамияти қуриш борасидаги фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни эъиборга олиб республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази ташкил этилсин.

2. Марказнинг самарали фаолияти ва ўз мақсади йўлидаги вазифаларни изчил бажариши учун, миллий тафаккурни ривожлантириш, маънавият ва маърифатни янада камол топтиришга кўмаклашиш ниятида, унга 6-8 босма тобоқ ҳажмида "Тафаккур" номли журнални чоп этиш, ноширлик ишларини юритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари марказни ва унинг жойлардаги таркибий тузилмаларини ташкил этиш бўйича зарур чора тадбирларни кўрсинлар.

4. Молия вазирлиги (Б. Ҳамидов) ва бошқа тегишли ташкилотлар марказни ҳамда журнал таҳририятини асосий фаолияти учун зарур бўлган маблағ, ашё ва жиҳозлар билан таъминласинлар.

5. Вазирлар Маҳкамаси "Маънавият ва маърифат" марказининг ишларига тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўз қарорини қабул қилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А. Фозилбеков) марказни ва унинг журнали тахририятини Тошкент шаҳри, Отатурк кўчасидаги 24-бинога жойлаштирсин.

**Ўзбекистон республикаси**
**Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 апрель

# Ташриф давом этмоқда

## ХОРАЗМ САФАРИ

УРГАНЧ, 26 апрель. Франция Республикаси Президенти Франсуа Миттеран билан Даниель Миттеран хоним Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Татьяна Каримова ҳамроҳлигида Хоразм заминига ташриф буюрдилар.

Урганч шаҳри аэропортида миллий либослардаги кўҳлик қизлар икки мамлакат президентлари ва уларнинг рафиқаларига гуллар ҳадя этдилар.

Мўътабар меҳмонлар тушган автомобиллар карвони Хива шаҳри сари йўл олди.

Урганч-Хива катта йўлида ҳам, икки мамлакат байроқларию қутлов сўзлари битилган шиорлар билан безатилган шаҳар кўчаларида ҳам минг-минглаб хоразмликлар меҳмонларни олқишлар билан кутиб олдилар.

Икки мамлакат Президентлари ва уларнинг рафиқалари кўҳна Хива шаҳрининг жаҳонга машҳур тарихий ёдгорликларини зиёрат қилдилар. Ичон қалъадаги тарихий-меъморий обидаларни, кўҳна аркдаги Хива хонлари хос хонаси, тош ҳовлини кўздан кечирдилар. Хоразмнинг сўнгги хони шоир Феруз ва унинг авлодлари суратлари кўргазмаси, Юнусхон мадрасаси олдида намойиш қилинган халқ фольклор дасталарининг томошалари, Хоразм халқ қўшиқ ва рақслари меҳмонларда илиқ таассурот қолдирди.

Тош ҳовлида ҳар иккала мамлакат Президентлари оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан қисқача сухбатлашдилар, Франция раҳбари "Биз Ўзбекистонга бунёдкорлик ниятида келдик", деди. Президентлар икки буюк халқ дўстлигининг келажаги порлоқ эканини таъкидладилар.

Зиёрат давомида олий мартабали меҳмонларга Хоразм вилояти Ҳокими М. Жуманиёзов ҳамроҳлик қилди.

Шу куни меҳмонлар Тошкентга қайтишди.



Ҳужжатларнинг имзоланиши.

Ф. КУРБОНБОЕВ олган суратлар. (ЎзА).

# САМИМИЙЛИК ВА ЯКДИЛЛИК

Франция Президентининг рафиқаси Даниель Миттеран хонимнинг Ўзбекистонга ташрифи дастурида Тошкент Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига қадам ранжида қилиши ҳам назарда тутилган эди. Бунинг рамзий маъноси бор, албатта. Жаҳон ҳамжамиятига фаол равишда қўшилган Ўзбекистон давлатлараро муносабатларнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатиши мумкин бўлган малакали мутахассислар тайёрлашга киришгани табиий. Даниель Миттеран хонимнинг Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган бу махсус ўқув юрти талабалари билан учрашуви ҳам бежиз эмас. Университетга ташриф буюриш чоғида Миттеран хонимга Ўзбекистон Президентининг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамроҳ бўлди.

Учрашув иштирокчилари – олий ўқув юртининг мураббий ва талабалари муҳтарама меҳмонларга билим даргоҳи олдида турган вазифалар ҳақида гапириб бердилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Фармони асосида ташкил этилган бу билим маскани хорижда ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш ҳамда олий таълимни янада тараққий эттириш борасида бошқаларга ибрат бўлиши лозимлиги қайд этилди. Мазкур илм даргоҳи жаҳон иқтисодиёти ва бизнеси асослари, менежмент ва маркетинг ҳамда хорижий тилларни чуқур ўзлаштирган мутахассисларни тайёрлайдиган масканга айланиб қолди. Илгари бундай кадрлар республикадан ташқарида тайёрланар эди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейингина бизда бундай имконият пайдо бўлди.

Франция ва Ўзбекистон Президентларининг рафиқалари иштирокидаги учрашувда, шунингдек, республикада дипломатлар тайёрлаш, бунинг учун хориждаги олий ўқув юртлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида ҳам фикр алмашилди. Миттеран хоним ўзининг Қаршилик ҳаракатидаги иштироки ҳақида гапириб берди, Ўзбекистонга сафари давомида олган таассуротлари билан ўртоқлашди, талабаларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб берди.

Шу куни Франция ва Ўзбекистон Президентларининг рафиқалари амалий санъат музейида бўлиб, машҳур халқ усталарининг ишлари билан танишдилар.

**ЎзА мухбири**

# БУЮК ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Франциялик мўътабар меҳмон ташрифининг тушдан кейинги дастури пойтахтимизнинг Алишер Навоий боғидан, буюк бобокалонимиз ҳайкали пойига гуллар қўйишдан бошланди.

Алишер Навоийнинг абадий барҳаёт асарлари бугунги кунда жаҳондаги ўнлаб тилларда, жумладан, француз тилида ҳам жаранглзмоқда. Буюк шоир бундан беш аср муқаддам "Жаҳон аҳли, билингиз, иш эмас душманлиғ, ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш" деб хитоб қилган эди. Мамлакатимиз раҳбарияти юргизаётган ташқи сиёсат бу ҳикматли сўзларга садоқат намунасидир. Турли қитъалардаги эзгу ниятли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишни истаётган барча кишилар учун эшикларимиз ҳамиша очиқ. Франция Президенти эса Европада бирлашув жараёнини бошлаб берган "Маастрихт шартномаси"нинг ташаббускорларидан биридир. У жаҳондаги бошқа мамлакатлар, шунингдек, Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга интилмоқда.

Ф. Миттеран буюк шоирни ҳурмат ва эъзоз билан ёд этди. Бу ерга тўпланган шаҳар аҳли ва жамоатчилик вакиллари икки мамлакат раҳбарига бўлажак музокараларда муваффақият тиладилар, Ўзбекистон – Франция дўстлиги халқларимиз манфаатига хизмат қилади, деб умид билдирдилар.

# УЧРАШУВЛАР, МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон ва Франция раҳбарлари ўртасидаги мулоқот ва ўзаро музокаралар Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида бўлиб ўтди.

Дастлаб Ислом Каримов ва Франсуа Миттеран қисқача яккама-якка суҳбат ўтказдилар. Сўнгра ҳукумат аъзолари иштирокида музокаралар бошланди.

– Франция Президентининг мамлакатимизга ташрифи катта аҳамиятга эга бўлган воқеадир, – деди Ўзбекистон раҳбари. – У икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга янги равнақ бахш этади. Бизнинг Францияга сафаримиз чоғида ўзаро ҳамкорликнинг пойдевори қўйилган эди. Эндиликда уни янада мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Франциялик дўстларимиз нефть ва газ, енгил ва қайта ишлаш саноатлари, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларида яқиндан кўмаклашаётганликлари учун миннатдормиз. Ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда мамлакатимиздаги Франция элчихонаси ва элчи жаноб Жан-Поль Везиан катта жонбозлик кўрсатмоқда. Франциялик турли соҳалар бўйича малакали мутахассислар тайёрлашдаги кўмагини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Бугун имзоланадиган ҳужжатлар мамлакатларимиз ва халқларимизни янада яқинлаштиради.

– Мамлакатингиз ўзининг жўғрофий ўрни жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга, – деб таъкидлади Ф. Миттеран. – Ўзбекистон минтақада тинчлик ва барқарорлик манбаи бўлиб турганлиги ҳам жуда муҳим. Франция ва Ўзбекистон ишончли ҳамкор бўла оладилар. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Биз Ўзбекистон Президенти билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг барча соҳалари ва минтақавий муаммолар хусусида фикрлашиб олдик. Кўп масалаларда фикримиз бир жойдан чиқди. Ўзаро ҳамкорлик борасида анчагина ишлар қилинмоқда, аммо ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўп.

Музокаралар якунида икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистон Республикаси билан Франция Республикаси ўртасида фуқароларнинг эркин ҳаракати ҳақидаги битимлар, ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисида қўшма декларация имзоланди. Бу ҳужжатлар икки мамлакат фуқаролари ўртасидаги борди-келдини осонлаштириш, иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Музокараларда Франция ҳукумати расмий вакили, бюджет вазири Никола Саркози, Европа ишлари бўйича делегат-вазир Ален Ламассур, Миллий Мажлис депутати, парламентдаги француз-ўзбек дўстлиги гуруҳининг президенти Шарль Гербрант, сенатор, сенатдаги "Франция-марказий осиё" гуруҳининг президенти Жак Голье, франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан-Поль Везиан ва бошқалар иштирок этдилар.

Ўзбекистон томонидан республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, Ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Ислом Каримов ва Франсуа Миттеран оммавий ахборот воситалари мухбирлари билан учрашдилар. Мулоқот давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

**Носир МУҲАММАД,**
**Ғулом МИРЗО,**
**Рўзимбой ҲАСАН,**
**ЎзА мухбирлари.**

# КЎРГАЗМА БИЛАН ТАНИШУВ

*Даниель Миттеран хонимнинг Татьяна Каримова билан учрашуви тошкентлик рассом Ортиқали Қозоқовнинг кўргазмасини томоша қилишдан бошланди. Бу рассомнинг асарлари Дўрмондаги ҳукумат қароргоҳи равоғини безади. Франция ва Ўзбекистон Президентларининг рафиқалари кўргазмада замонавий рассомлик мактаби вакилининг ижоди билан яқиндан танишдилар.*

*Ортиқали Қозоқов ёш, лекин ўз талантини намоён этган мўйқалам устасидир. Унинг асарлари ўзига хослиги, замонавийлиги ва миллий руҳи билан ажралиб туради.*

*Рассомнинг бу кўргазмаси, Франция ва Ўзбекистон Президентларининг рафиқалари таъкидлаб ўтганларидек, икки халқ маданиятларининг яқинлашувига кўмаклашади.*

# Олди майдонларда чигит униб чиқди

Чигит экиш режасини муваффақиятли бажарган вилоятимиз пахтакорлари қатор ораларига ишлов беришни ҳам маромида ва сифатли ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

АПРЕЛЬ айининг иккинчи ярми қуруқ ва иссиқ келди. Бу ҳол пахтакорларимиз учун анча қулай имконият яратди. Ерни тайёрлаш, чигит экишга ҳозирлик кўриш сингари ишларни тиғизлик билан олиб боришга тўғри келди. Намни сақлаш учун боронани ўз вақтида ўтказиш учун барча техника сафарбар этилди. Экиш техникаси ва бошқа воситалар созлаб қўйилганлиги, уруғлик ўз вақтида ташиб келтирилиб, қаерга, қандай майдонларга, қайси навдаги уруғликни экиш маъқул эканлиги келишиб олинганлиги учун жойларда ишлар анча жадал борди. Чигит экишни тез ва соз ўтқазиш, уруғни асосан ернинг табиий намига ундириб олиш учун кураш авж олдирилди.

Бу соҳада бекободликлар намуна кўрсатдилар. Улар чигит экишни вилоятда биринчилар қатори тугалладилар. Катта майдонларга чигит пуштага экилди. Асосан бу йил пахтанинг "С-65-24" ва "Наманган-77" навлари экилди. Ҳозирги кунда олди майдонларда чигит униб чиқиб, қатор оралари кўзга ташланиб қолди.

Қуйичирчиқ, Оққўрғон, Ўртачирчиқ туманлари ҳам чигит экишда пешқадамлик қилдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил асосий майдонларга экиш билан бир йўла минерал ўғит, шунингдек, бегона ўтларга қарши гербицидлар ҳам солиб кетилди.

Шундай қилиб, вилоятимизда салкам 106 минг гектар майдонга чигит экилди ва режа муваффақиятли уддаланди. Айни кунларда бутун диққат-эътибор уруғлик чигитни ернинг табиий намига бир текис ва тўла ундириб олиш, гектарларнинг бутлиги, кўчатларнинг етарли миқдорда бўлишини таъминлашга қаратилгандир. Ана шу мақсадда экилган майдонлар назорат қилиб борилмоқда. Маълумки, кейинги пайтда кун исиб кетди. Айрим майдонларда ердан нам кўтарилди. Табиийки, экиш пайтида нами қочиб қолган қуруқ тупроққа уруғлик тушганлиги ҳам сир эмас. Шунинг учун бундай майдонлар алоҳида ҳисобга олиниб, танлаб чигит суви беришга ҳам киришилди. Бу иш ҳам ҳар бир даланинг шароитига қараб олиб борилмоқда.

Ҳосил кўчатдан олинади, дейди деҳқонлар. Бу йил гектарларда кўчатларнинг тўлиқ ва бут бўлиши кутилмоқда. Ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсиши, мўлжалдаги кўчатларнинг сақлаб қолиниши эса экинларга бериладиган ишловнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам деҳқонларимиз биринчи культивацияга ғоят масъулият билан тайёргарлик кўрмоқдалар. Тракторларга культиваторлар осилиб, тайёр қилиб қўйилмоқда. Эрта-индин танлаб культивация қилишга, қатор ораларига ишлов беришни уюшқоқлик билан ўтказишга киришилади.

*Ўртачирчиқ: бир корхона янгиликлари*

## 12 ХИЛ НОН

Дон саралаш заводи қошида нон заводи ишга туширилади. Олмония қурилмалари ва технологияси бўйича иш юритадиган бу нон заводи бир сменада бир тонна нон ёпиш қувватига эга бўлади. Унда дастлаб саккиз ишчи меҳнат қилади. Кейинчалик эса ишни икки сменада ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу ерда тайёрланадиган 12 турдан иборат сифатли бўрсилдоқ нонлар шу ердаги дўкон орқали завод ишчиларига сотилади. Кейинчалик эса буюртмалар бўйича бошқа жойлардаги дўконларга ҳам тарқатилиб, туман аҳолисига етказиб бериш йўлга қўйилади.

## ҚОҒОЗҲАЛТАЛАР СЕРОБ БЎЛАДИ

Бозорга кирган ҳар қандай киши албатта харид қилган нарсалари учун қоғозхалтачаларга эхтиёж сезади. Афсуски бу ҳамиша ҳам топилавермайди. Топилса ҳам нархи осмонда. Завод ишбилармонлари ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда қоғозхалтачалар ишлаб чиқарувчи цех ташкил этиптилар. Бу цехда тайёрланган қулай, пишиқ қоғозхалтачалар дўконларга сотувга чиқарилади. Бу ерда, шунингдек, уруғлик донлари учун қоғоз қоплар ҳам тайёрланади. Корхонанинг Россия билан алоқалари давом этаётганлиги зарур хомашёлар етказиб беришда қўл келмоқда. Бундай ишларни эса заводда ташкил қилинган "Омад" тижорат фирмаси орқали амалга оширилмоқда.

## ИШЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Ҳозирги иқтисодий тақчиллик даврида тадбиркор раҳбар энг аввало қўлостидаги ходимлар, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига асосий эътиборни қаратади. Ушбу завод маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳам айни шу йўсинда иш юритмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётганлар ва нафақадаги фахрийларга ҳам жами 251 кишига март ойида 4 килограммдан гўшт, 3 килограммдан маргарин, 1 килограммдан сариёғ берилди. Апрель ойида ҳар бир ишчиларга ўн килограммдан ўсимлик ёғи беришни мўлжаллаяпмиз,— дейди завод директори Шариф Эргашев.— Бундан ташқари ишчиларимизнинг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб уларнинг шахсий чорва моллари учун буғдой ва маккажўхори чиқиндилари ҳамда ем арзон нархларда сотилмоқда.

Корхонада ҳар ойда иш ҳақига қўшимча ойлик маошнинг 50 фоизи миқдорида мукофот пули ҳам берилади. Ишлаб чиқариш илғорлари ҳар ой охирида яна 50 минг сўмдан мукофот олиб турибдилар. Жумладан, март ойи якунида 13 нафар ишчи ана шундай рағбатлантиришга муносиб деб топилди.

**М. БОЗОРАЛИЕВ.**



**М. Қориёқубов номидаги давлат филармонияси раққосаси Шаҳло Истамова.**

**Н. Муҳаммаджонов олган сурат.**

*Хотира*

# ҒУЛДИРОҚҚА ЯНА БАҲОР КЕЛДИ

Ғулдироқ — бу қишлоқнинг номи. Бўка тумани Ойхўжа Йўлдошев хўжалиги. 25-30 хонадон истиқомат қилади бу ерда. Номи қизиқ экан. Унинг қачон қўйилгани, асл маъносини суриштирдик. Афсус, ҳеч ким айтиб беролмади, қишлоқнинг энг кекса кишилари ҳам эслай олишмади. Демак, унинг ёши жуда қадим эканда, деган фикрга бордик.

Баҳор кунларининг бирида биз Ғулдироқ қишлоғи хонадонларидан бирига ташриф буюрдик. Бизни анча ёшларга бориб қолган қорачагина аёл қарши олди.

— Келаверинглар, келаверинглар, бўталарим,— деди у бизни ичкарига таклиф қилиб.— Мен ҳозир...

Кампир узум сўриларининг тагини юмшатаётган экан чоғи човгумдаги сувга юз-қўлини ювиб, бизга ҳам сув, қўлимизга сочиқ тутди. Уйга кирдик. Уй бекаси қўярда-қўймай дастурхон тузади, "оғзинглар тегсин" деб бир идишда олдимизга сумалак қўйди. Биз онахонни Наврўз билан табриклаб, мақсадимизни тушунтирдик. Кампир анча вақтгача ўй суриб қолди. Ахир биз унинг энг яқин кишиси номини тилга олган, соғайиб битмаган қалб ярасига туз сепиб қўйган эдик. Онахон нималарни, кимларни хотирлади экан, хаёлидан не не воқеалар кечди, худо билади. Бир вақт ҳушига келиб, биз ан узр сўради. Хорғин кўзлари бурчида йилтираган ёш томчиларини апил-тапил артиб, манзират қилди.

— Сумалакдан тотининглар, болаларим. Насибангиз қўшилган экан. Ўзим пиширганман.

Суҳбат маромига тушиб олди.



Етмиш ёшни қоралаган Анзират ая ўтган-кетган, кўрган-кечирган, аччиқ-чучук кунларидан талай ҳикоя, тўғриоғи, жонли бир қисса сўзлаб берди. Айниқса, Анзират аянинг умр йўлдоши Мирза ота билан қандай турмуш қуришгани ҳақидаги ҳикоя дилимизни ўртаб юборди. Наҳотки, келиннинг бошига ёпиш учун бир лахтак ҳам топилмаган бўлса ўшанда. Қанақа замон экан ўзи?

— Жуда оғир кунларни кўрганмиз,— дейди Анзират ая.— Баҳорда беданинг кўкини юлиб, атала қилиб ичганмиз. Бошоқ териб кун кечирганмиз. Уруш йиллари бор бисотимизни урушга берганмиз. Ҳеч кимда тиним, ҳаловат йўқ эди. Тунлари ҳам даладан бери келмасдик. Бир "план", икки "план" тўлмагунча дала бошида тунаб қолардик. Бешафқат дунё экан, болам...

Шу ёруғ кунларга етказганига минг бора шукур,— дейди ая қувонч ёшларини тиёлмай.— Кўрган азобларимиз, чеккан машаққатларимиз яхшиликка буюрди. Кўксимизга офтоб тегди. Турмушдан зорлигимиз йўқ. Беш фарзандни улғайтирдик. Ҳаммалари ўқимишли, ишли-жойли. Ўзим мана ўн йилдирки пенсиядаман, уйда ўтириб қолганман. Давлатимиздан 70 минг нафақа оламан.

Гап орасида Анзират ая турмуш ўртоғи Мирза отанинг бу кунларни кўролмай кетганига ачинади. Ахир шу ёруғ кунларнинг келишида, фарзандларининг замонасига муносиб кишилар бўлиб вояга етишида, одамлар тақдирида унинг ҳам ҳиссаси бор эди-ку. Бугун истиқлол, эрк ҳавосидан нафас олаяпмиз. Қишлоқда улкан ислоҳотлар амалга ошаяпти. Деҳқоннинг ҳақ-ҳуқуқи ўз қўлида, у — бугун фермер, у — бугун тадбиркор, у — бугун ўз ерининг эгаси, мулкдор, заминдор.

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Бугунги дориламон кунлар жуда кўплар қатори Мирза ота Оққуловга ҳам насиб этмади. У колхозда табелчи бўлиб иш бошлаганида 15 ёшда эди. Зуваласи пишиқ, абжир йигитча бора-бора кўпнинг ҳурматини қозонди. Бригадир, участка бошлиғи бўлди. Ўзи меҳнат қилган "Маданият" колхозида пахта устаси сифатида танилди. Ҳосилдорликни 25 центнердан 35-38 центнерга кўтарди. Ўз одамлари билан Тошкент канали қурилишида фидойилик кўрсатиб, республика раҳбарларининг раҳматномасига сазовар бўлди. Уруш йиллари фронтдаги жангчиларимизга совға-саломлар ташкил этди.

Мирза ота 1945 йилда "Маданият" колхозига раис қилиб сайланди. Бу лавозимда у беш йил ишлади. 1950 йилда колхозга Ойхўжа Йўлдошев раис бўлиб келгач, кўп йиллар раис муовини, участка бошлиғи сифатида фаолият кўрсатди. Унинг кейинги ҳаёт йўли Киров "Сельпо"си ва туман ўт ўчириш корхонаси билан боғлиқ. Ўт ўчириш хизматида у аввал бошлиқ ўринбосари, сўнг бошлиқ лавозимларида ишлади. Шу ердан пенсияга чиқди.

Қатор орден ва медаллар соҳиби, эл фарзанди Мирза ота Оққулов энди орамизда йўқ. Бугун — мана шу баҳор кунлари унинг қабри пойига гуллар тўшалган.

— Инсон вафот этгани билан у ном-нишонсиз кетмайди.— дейишди суҳбатда чол-кампир Шарофат ая билан Абдуқодир ота. Ундан яхши ном, яхши ишлар қолади. Фарзандлари у ёққан чироқни асло ўчирмайдилар. У ҳамиша дўстлари хотирасида яшайди, унинг ёди элда завол топмайди.

Ҳа, мўътабар кексаларимиз Абдуқодир ота ва Шарофат ая Мавлоновлар жуда тўғри айтишди. Яхшилик — эзгулик — умрибоқий нарса. Мирза отанинг муборак номи ўғил-қизлари қалбида абадул-абад яшайди, ардоқланади. Тўнғич фарзанди Малика Мирзаева Хўжақўрғон қишлоқ кенгашининг раиси, катта ўғли Сайфиддин Оққулов туман ўт ўчириш депосининг бошлиғи. Шоира ва Раънолар олий маълумотли ўқитувчи, Фахриддин эса қурилиш трестида ишлайди. Раҳматли Мирза отанинг набиралари кўп. У бунёд этган оила, у қурган бинода бугун ҳаёт чироғи ёқиқ. Аминмизки, у ҳеч қачон ўчмайди.

**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.**

*Янги шеърлар*

# ЯШАМОҚ БАХТИ

Қуёш юзларидан ўпганда баҳор,
Фалак чеҳрасидан ёғилганда нур.
Севинчинг, илинжинг – табиат, боғлар,
Гулларга бурканиб сочилганда дур...
Кўзу киприкларга сурмалар тортиб,
Осмон кўзгусига солиб бўйларин.
Оқ-ҳарир кўйлакда, кўкраклар бўртиб
Сочин тараётган аёл сингари.
Борлиқ шундай гўзал, тиниқлашганки,
Ҳали қўл тегмаган олмага ўхшар.
Булут... капалаклар каби қувлашиб,
Гўзаллик – юз очган ғунчага ўхшар...
Шу борлиқ – гўзаллик аёлникидир,
Баҳор деб аталар бу аёл номи.
Сен ҳам уникисан, болакай, югур.
Яшнатиб қувнатиб келди жаҳонни...
Табиат гулларин бўйлагин тўйиб,
Кўксига юзингни қўйгилялангбош.
Аёл – бахт кўксига лабларинг қўйиб
Бўйлагин... Бошингда порласин қуёш!
Баҳор – бахт нафасин боладай бўйла
Гул очди, гул сочди умр дарахти.
Гўзаллик нафасин унутиб қўйма,
О, қандайин бахт бу – Яшамоқ бахти!..

***

Салом баҳор. – Соғинчим менинг.
Муҳаббатнинг ширин онлари...
Шодлик, бахту илинжим менинг,
Умидимнинг дилбар тонглари.
Нафасингни кутдим соғиниб,
Дилдор васлин кутган сингари.
Нурлар бўлиб келдинг ёғилиб,
Унутилди ҳижронлар бари...
Лутф айладинг – ўзгарди осмон.
Қанотланди оқиш булутлар.
Севинчидан кулди ер – жаҳон,
Севинчидан яшнади боғлар.
Баҳор – сенга арғимчоқ солиб.
Учиб ўтди қушлар самода.
Гўзалликлар аста уйғониб,
Ширин бўйлар сочди шаббода...
Салом баҳор – соғинчим менинг...

**Шуҳрат ОТАБЕК.**

## САДОҚАТ ҚАДРИ

Покизасан покиза туйғу,
Ишонаман сенга мен фақат.
Гарчи дилга соларсан оғу,
Сиғинаман сенга муҳаббат.

Садоқатнинг қолмаса қадри,
Фидойилик бўлса нодонлик.
Музлаб қолса ҳарорат қалби,
Қайда қолар муҳаббат шўрлик.

Юрагимга кўмдим уни мен,
Пайдо бўлди ягона қабр.
Ўликларга ошиён эмас,
Ахир ҳаёт-мозор эмасдир.

Азобларга қўймагин ортиқ,
Тубанликдан олиб кет уни.
Инъом этган ул илоҳиёт –
Самовий хис эзмасин дилни.

Шафқат айла, шафқат, эй фалак,
Хор бўлмасин пок эзгу тилак.
Хаёлотга айлантир барин,
Буюк бўлиб қолсин муҳаббат.

Тарк этса гар юракни зиё,
Қолмайдими қуёш адашиб.
Ҳароратсиз қолса гар дунё,
Муз тоғлари кетар қалашиб.

Ишон менга ишон, эй дунё,
Токи борман мен бу ҳаётда,
Ҳижронларга қолмагай ўрин,
Жой қолмагай бир ҳиёнатга.

## ШАБНАМ

Қирмиз лола япроғи узра,
Қатра шабнам ўйнайди нурда.
Мусаффолик унинг кўнглида,
Армон кезар, армон дилида.

Номозшомдан токи субҳидам,
Бедор эди безовта шабнам.
Ғунча тафтин ювмоқлик учун,
Шуъласида чайилар ҳар дам.

Унга ҳар дам ёр эди баҳор,
Шул ўй ила гўзалдир хаёл.
У ўйларди мангу дилга ёр,
Абадийдир бу жўшқин баҳор.

Қуриб-қақшаб билмай ниҳоя,
Куз эртагин қилди ҳикоя.
Шабнам қатра ҳеч эмас қоя
Тош эмас у ҳаётдан зарра.

Ҳазонли куз ўтди-ю кетди,
Остонада кезмоқда баҳор.
Ўтмиш бу кун маромга етди,
Келажакка бир зум сол назар...

Баҳорий тонг чечакларидан,
Ясаб кулгу гулдастасини –
Ўтмишингнинг чўпчакларидан,
Олисларга олиб кет уни...

**Саодат УМУРЗОҚОВА**

● *ШИФОКОРЛАР МАСЛАҲАТИ*

# УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРЛАРИ

Биз узоқ умр кўргаилар билан тез-тез мулоқотда бўлиб турамиз. Улар ҳалол, меҳнаткаш, тинч-хотиржам инсоннинг узоқ яшашини бир овоздан таъкидлайдилар. Ана шу фазилатлар киши танасини емирилишдан сақлар экан. Кексалар бизга саломатликка путур етказадиган ҳолатлар ҳақида ҳам гапириб бердилар. Булар орасида, айниқса, ортиқча овқатланишнинг зиёни кўпроқ эканлигини қайд қилдилар. Ейиш учун яшаш керак эмас, балки яшаш учун ейиш керак. Бунинг маъноси шуки, инсон таом истеъмол қилишнинг меъёрини билиши лозим. Акс ҳолда ошқозонга юк тушиб, кўнгилсиз хасталиклар бошланиши табиий.

Тананинг доимо қушдек енгил юришида хўл мева ҳамда қуритилган мевалар муҳим роль ўйнайди. Аммо, кўп қувват сарфлашни талаб қиладиган меҳнат жараёни кучли овқатларни тақозо этади. Буни ҳисобга олмаса, тана заифлашиб, касалликка учраши мумкин.

Демак, овқатланишда мижозга, меҳнатга қараб режа бўлиши керак. Лекин, кўпчилик бунга риоя қилавермайди. Зўр овқатларга ружу қўяди, тартибга риоя қилмайди. Оқибатда ўз умрига заволлик келтиради.

Соғлом юриш, узоқ умр кўришнинг омиллари қаторида отахонлар "чала қурсоқ"ликнинг фойдасини ҳам ти га олдилар.Масалан, ҳафтада бир кун оч юришлик бадандан кўплаб заҳарли моддаларнинг чиқиб кетишига сабаб бўлади. 24 соат ичида фақатгина қайнатилган сув ичиш мумкин. Заҳарли моддаларни танадан чиқаришда уқалаш, ванналар, ҳуқналар ва тоза ҳавода юришлик катта ёрдам беради. Овқат иложи борича кам тузли бўлиши керак. Ҳафтада уч-тўрт марта гўшт истеъмол қилишнинг ўзи етарли. Шу муддат ичида икки-уч дона тухум ейиш ҳам маром ҳисобланади.

Биз билган маълумотларга қараганда, ҳайвонлар қандай яшаши ва нимани еб-ичиш зарурлигини яхши ҳис қилар эканлар. Агар, улар яралансалар, ёки касаллансалар, озиқланишни вақтинча тўхтата олишади. Шу йўл билан касалликларини тузатадилар. Инсон танасидаги заҳарли моддалар ичаклар, буйраклар, ўпка ва тери орқали чиқиб кетади. Уларни чиқариш учун етарли қувват керак бўлади. Очлик ҳар бир ҳужайрага, аъзога етиб бориб, инсоннинг ҳаётий кучларини жўштиради. Туйғулар ва ақл ўткирлашади, мия яхши ишлай бошлайди.

Очлик кўп дардга даво. Хусусан, у бўғин оғриғини ҳам чекинтиради, касаллик пайдо бўлган бўлса, уни енгиллаштиради.

Маълумки, табиат ҳар бир бўғинни етарли даражада кўкимтир суюқлик қопламаси билан таъминлаган. Бу суюқлик бўғинлар букилиши ва эгилиши учун хизмат қилади.

Ортиқча тўйиб овқатланганда бўғинларда овқат қолдиқлари-қуйқалар тўпланади. Бу қуйқалар кейин бўғинларга оғриқ беради, суюқлик йўлини тўсиб ҳаракатни сусайтиради. Бора-бора бўғинлар катталашади, касаллик тиззага, сонга, белга, елка бўғинларига ва қўл бўғинларига ўта бошлайди. Баъзи ҳолларда бўғинлар шу даражада заҳар тўплайдики, ҳатто, муштни йиғиш қийин бўлиб қолади. Одамлар бундай ҳолатни ёшим ўтиб бораётганидан деб билишади. Бу бекор гап. Асосий сабаб бўғинларда заҳарли заррачалар қуйқалари йиғилиб кўкимтир суюқликнинг ўрнини эгаллаши оқибатидир. Шундай ҳолатда дарддан ҳоли бўлишнинг бирдан-бир белгиси очлик усулини қўллаш ҳисобланади. Очлик бўғинларда йиғилиб қолган қуйқаларни сингдиради ва секин-аста бадандан қувиб чиқаради.

Бир гуруҳ машҳур олимлар, ҳакиму табиблар гурунгида узоқ яшашлик тўғрисида буюк мутафаккир табибимиз Абу Али ибн Сино эркакларга нисбатан аёлларнинг узоқ яшашини ҳам асослаб берган эканлар. Аслида эркаклар кучли, бақувват, забардаст, аёллар эса нозик, бўладилар. Нега умрлари фарқ қилади? Чунки, аёл зотида ҳаракат кўп.Ҳамма гап ана шунда. Эркаклар куч-қувватларини маълум бир меҳнатга, касб, ҳунарга сарфлашади, аёллар эса эрта тонгдан кечқурунгача тиниб-тинчимай, ҳаракатда бўладилар. Бундан ташқари, аёлларга табиат фарзанд кўришдек олий бир тухфани ҳам берганки, бунда аёл танасидаги қон янгиланади, бу ҳам узоқ умрга заминдир.

Эркаклар баъзан айш-ишратга бериладилар. Бу билан ўз саломатликларига путур етказадилар. Ана шу омиллар ҳисобга олинса, инсоннинг энг бебаҳо неъмати — сиҳат-саломатли "хазинаси" узоқ вақт сақланиб қолади.

**Ж. ХЎЖАЕВ,**
**А. АБДУРАҲИМОВ,**
**Ҳ. ШОУМАРОВ,**
**Ш. БЕКМИРЗАЕВ,**
**шифокорлар.**

## ДЗЮ-ДО

Тошкентда дзю-до кураши бўйича Ўзбекистон биринчилиги учун мусобақалар тугади. Армия спорт мажмуида энг кучли полвонлар тўпландилар. Бу ерда республика миллий терма командаси иштирокчилари аниқланди. Ўзбекистон дзюдочилари Япониянинг Хиросима шаҳрида бўладиган Осиё ўйинларида мустақил команда сифатида иштирок этадилар.

# ТОШКЕНТ ГУГУРТИ

Республика пойтахтининг Сирғали туманида гугурт ишлаб чиқарадиган "Ўзэллас" Ўзбекистон-Эллада қўшма корхонаси ишлай бошлади. Бу ерга ўрнатилган тўртта автомат линияда илгари Россиядан сотиб олишга тўғри келган, рўзғорга жуда зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Қўшма корхонани Грециядаги "Импекс Гроуп" фирмаси билан "Ўзқурилишёғочсаноат" биргаликда ташкил этган. "Ўзқурилишёғочсаноат" раҳбари А. Ҳайитов ЎЗА мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Янги корхона лойиҳадаги қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига 300 миллион қути гугурт ишлаб чиқарилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу — республиканинг бутун эҳтиёжини таъминлаш учун етарли бўлади. Россиядан одатда йилига 550-600 миллион қути гугурт сотиб олинар эди. Лекин, бу "майда-чуйда" маҳсулотга муносабат қандай бўлганини яхши биласиз — дўконда қайтимга гугурт бериларди, керак бўлса-бўлмаса гугурт харид қилаверар эдик. Хуллас, гугурт исроф бўлар эди. Эндиликда гугуртнинг нархи анча ошди, одамлар тежамкор бўлиб қолишди, кўп кишилар газ ва электр зажигалкадан фойдаланадиган бўлди. Шу сабабли, "Ўзэллас" қўшма корхонаси республикамиз эҳтиёжини тўла таъминлашига ишонамиз. Корхонамиз гугурт қутисида рекламаларни босиб чиқариш имкониятига ҳам эга.

Ўтган йилнинг май ойида Греция томони билан битим тузилган эди. Ҳамма ишни бажариш учун 22 ой муддат белгиланди. Иш эса, кутилганига зид даражада анча жадаллашди. Август ойида Грециядан машина-ускуналар келтирилди, Ўзбекистондаги оғир саноат корхоналарини лойиҳалаштириш институти мутахассислари қисқа муддатда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашди, "Ўзсаноатхўжаликқурилиш" ходимлари эса, биноларни тезда тиклашди. Машина-ускуналарни ўрнатишни тезлатиш учун Россиядаги Балабанов гугурт фабрикасидан мутахассислар таклиф этилди, Грециядан ҳам мутахассислар келишди. Улар икки сменада ишлашди. Сирғали тумани ҳокимлиги бу ишда катта ёрдам берганини таъкидлаш керак. Аҳиллик билан ишлаш натижасида саккиз ойда корхона ишга туширилди.

— Хомашё қаердан келади? Гугурт ишлаб чиқариш унча осон иш эмас-ку?

— Бизнинг тол дарахтимиз — гугурт тайёрлаш учун жуда асқотади. Уни республика ўрмон хўжаликлари етказиб беради. Саноатда фойдаланиладиган тол дарахти етиштириш муаммо эмас. Яна бир қўшма корхонамиз —"АС-АС" ҳам ҳозирча бизга ёғоч маҳсулотлари олишда ёрдам бермоқда. Бу корхонада Асака шаҳридаги бўлинмамиз Томск вилоятининг Асино шаҳридаги ёғоч етказиб берувчилар билан ҳамкорлик қилмоқда. Иркутск вилоятидан ҳам ёғоч олиб турибмиз. Гугурт ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қизил фосфор, бертолет тузи, сурма ва қумни ҳам сотиб оламиз.

Гугурт ишлаб чиқариш жуда мураккаб иш. Оддий гугурт қутисини ясаш учун 22 хил маҳсулот талаб қилинади. Бунинг устига, бинода ҳаво жуда тоза бўлиши, ҳарорат 24-25 даражадан ошмаслиги, эҳтиёт чоралари кўрилиши керак. Хуллас, гугурт ясаш — нозик иш. Ҳозир "Ўзэллас"да 120 киши ишлаяпти.

**Г. КОВАЛЬ,**
**ЎзА мухбири.**

## СУВ ТОЗАЛАЙДИГАН ҚУРИЛМА

Чирчиқдаги экологик кимёвий асбоблар заводи мутахассислари сувни ультрабинафша нурлар ёрдамида микроорганизмлар ва турли аралашмалардан тозалаб берадиган ихчам қурилма ясадилар. Ундан фойдаланиш яроқли ҳисобланмаган манбалардан ҳам тоза сув олиш имконини беради. Бундай ихчам қурилма фермаларда, дала шийпонларида, болалар муассасаларида, ошхона ва шифохоналарда сифатли сув олиш учун жуда зарур.

Пул билан таъминлаш масаласи ижобий ҳал этилган тақдирда бу йил ихчам қурилманинг тажриба намуналарини тайёрлаш, сўнгра эса уни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш назарда тутилмоқда.

**(ЎзА мухбири).**

Тошкент вилояти ҳокимлиги маҳкамаси ҳамда Зангиота тумани ҳокимлиги туман ҳокими муовини Абдумажид Абдураҳмоновга отаси

**Абдумавлон**
**АБДУРАҲМОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар ва унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ҳокими маҳкамасининг матбуот бошқармаси ва Бекобод шаҳар босмахонаси жамоалари матбаа аълочиси

**Эркин Йўлдошевич**
**МАНСУРОВ нинг**

бевақт вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига ҳамдардлик изҳор қиладилар.

Тошкент вилояти сув хўжалиги бирлашмаси маъмурияти, меҳнат жамоаси бирлашманинг собиқ раҳбари, республикада хизмат кўрсатган ирригатор

**Бекмурод**
**УСМОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумниг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент вилоят адвокатлар коллегиясинннг жамоаси Ишлар мудири Саида Содиқхўжаевага опаси

**Дилбар Болтахўжаевна**
**СОДИҚХЎЖАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Муҳаррир Н. НАСИМОВ**

Тошкент ҳақиқати

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32.

Телефонлар:
ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БУЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БУЛИМИ — 33-99-15.

● Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.
● Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6

Руйхатдан ўтиш тартиби N 8. Буюртма Г – 893. 20970 нусхада босилди, ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А – 2. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди 20.30.

*Ўртачирчиқ: бир корхона янгиликлари*

## 12 ХИЛ НОН

Дон саралаш заводи қошида нон заводи ишга туширилади. Олмония қурилмалари ва технологияси бўйича иш юритадиган бу нон заводи бир сменада бир тонна нон ёпиш қувватига эга бўлади. Унда дастлаб саккиз ишчи меҳнат қилади. Кейинчалик эса ишни икки сменада ташкил этиш мўлжалланмоқда. Бу ерда тайёрланадиган 12 турдан иборат сифатли бўрсилдоқ нонлар шу ердаги дўкон орқали завод ишчиларига сотилади. Кейинчалик эса буюртмалар бўйича бошқа жойлардаги дўконларга ҳам тарқатилиб, туман аҳолисига етказиб бериш йўлга қўйилади.

## ҚОҒОЗХАЛТАЛАР СЕРОБ БЎЛАДИ

Бозорга кирган ҳар қандай киши албатта харид қилган нарсалари учун қоғозхалтачаларга эҳтиёж сезади. Афсуски бу ҳамиша ҳам топилавермайди. Топилса ҳам нархи осмонда. Завод ишбилармонлари ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда қоғозхалтачалар ишлаб чиқарувчи цех ташкил этяптилар. Бу цехда тайёрланган қулай, пишиқ қоғозхалтачалар дўконларга сотувга чиқарилади. Бу ерда, шунингдек, уруғлик донлари учун қоғоз қоплар ҳам тайёрланади. Корхонанинг Россия билан алоқалари давом этаётганлиги зарур хомашёлар етказиб беришда қўл келмоқда. Бундай ишларни эса заводда ташкил қилинган "Омад" тижорат фирмаси орқали амалга оширилмоқда.

## ИШЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Ҳозирги иқтисодий танқчиллик даврида тадбиркор раҳбар энг аввало қўлостидаги ходимлар, ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига асосий эътиборни қаратади. Ушбу завод маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳам айни шу йўсинда иш юритмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётганлар ва нафақадаги фахрийларга ҳам жами 251 кишига март ойида 4 килограммдан гўшт, 3 килограммдан маргарин, 1 килограммдан сариёғ берилди. Апрель ойида ҳар бир ишчиларга ўн килограммдан ўсимлик ёғи беришни мўлжаллаяпмиз,— дейди завод директори Шариф Эргашев.— Бундан ташқари ишчиларимизнинг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб уларнинг шахсий чорва моллари учун буғдой ва маккажўхори чиқиндилари ҳамда ем арзон нархларда сотилмоқда.

Корхонада ҳар ойда иш ҳақига қўшимча ойлик маошнинг 50 фоизи миқдорида мукофот пули ҳам берилади. Ишлаб чиқариш илғорлари ҳар ой охирида яна 50 минг сўмдан мукофот олиб турибдилар. Жумладан, март ойи якунида 13 нафар ишчи ана шундай рағбатлантиришга муносиб деб топилди.

**М. БОЗОРАЛИЕВ.**



**М. Қорнеқубов номидаги давлат филармонияси раққосаси Шаҳло Истамова.**

**Н. Муҳаммаджонов олган сурат.**

*Хотира*

# ҒУЛДИРОҚҚА ЯНА БАҲОР КЕЛДИ

Ғулдироқ — бу қишлоқнинг номи. Бўка тумани Ойхўжа Йўлдошев хўжалиги. 25-30 хонадон истиқомат қилади бу ерда. Номи қизиқ экан. Унинг қачон қўйилгани, асл маъносини суриштирдик. Афсус, ҳеч ким айтиб беролмади, қишлоқнинг энг кекса кишилари ҳам эслай олишмади. Демак, унинг ёши жуда қадим эканда, деган фикрга бордик.

Баҳор кунларининг бирида биз Ғулдироқ қишлоғи хонадонларидан бирига ташриф буюрдик. Бизни анча ёшларга бориб қолган қорачагина аёл қарши олди.

— Келаверинглар, келаверинглар, бўталарим,— деди у бизни ичкарига таклиф қилиб.— Мен ҳозир...

Кампир узум сўриларининг тагини юмшатаётган экан чоғи човгумдаги сувга юз-қўлини ювиб, бизга ҳам сув, қўлимизга сочиқ тутди. Уйга кирдик. Уй бекаси қўярда-қўймай дастурхон тузади, "оғзинглар тегсин" деб бир идишда олдимизга сумалак қўйди. Биз онахонни Наврўз билан табриклаб, мақсадимизни тушунтирдик. Кампир анча вақтгача ўй суриб қолди. Ахир биз унинг энг яқин кишиси номини тилга олган, соғайиб битмаган қалб ярасига туз сепиб қўйган эдик. Онахон нималарни, кимларни хотирлади экан, хаёлидан не не воқеалар кечди, худо билади. Бир вақт ҳушига келиб, биз ан узр сўради. Хорғин кўзлари бурчида йилтираган ёш томчиларини апил-тапил артиб, манзират қилди.

— Сумалакдан тотининглар, болаларим. Насибангиз қўшилган экан. Ўзим пиширганман.

Суҳбат маромига тушиб олди.



Етмиш ёшни қоралаган Анзират ая ўтган-кетган, кўрган-кечирган, аччиқ-чучук кунларидан талай ҳикоя, тўғрироғи, жонли бир қисса сўзлаб берди. Айниқса, Анзират аянинг умр йўлдоши Мирза ота билан қандай турмуш қуришгани ҳақидаги ҳикоя дилимизни ўртаб юборди. Наҳотки, келиннинг бошига ёпиш учун бир лахтак ҳам топилмаган бўлса ўшанда. Қанақа замон экан ўзи?

— Жуда оғир кунларни кўрганмиз,— дейди Анзират ая.— Баҳорда беданинг кўкини юлиб, атала қилиб ичганмиз. Бошоқ териб кун кечирганмиз. Уруш йиллари бор бисотимизни урушга берганмиз. Ҳеч кимда тиним, ҳаловат йўқ эди. Тунлари ҳам даладан бери келмасдик. Бир "план", икки "план" тўлмагунча дала бошида тунаб қолардик. Бешафқат дунё экан, болам...

Шу ёруғ кунларга етқазганига минг бора шукур,— дейди ая қувонч ёшларини тиёлмай.— Кўрган азобларимиз, чеккан машаққатларимиз яхшиликка буюрди. Кўксимизга офтоб тегди. Турмушдан зорлигимиз йўқ. Беш фарзандни улғайтирдик. Ҳаммалари ўқимишли, ишли-жойли. Ўзим мана ўн йилдирки пенсиядаман, уйда ўтириб қолганман. Давлатимиздан 70 минг нафақа оламан.

Гап орасида Анзират ая турмуш ўртоғи Мирза отанинг бу кунларни кўролмай кетганига ачинади. Ахир шу ёруғ кунларнинг келишида, фарзандларининг замонасига муносиб кишилар бўлиб вояга етишида, одамлар тақдирида унинг ҳам ҳиссаси бор эди-ку. Бугун истиқлол, эрк ҳавосидан нафас олаяпмиз. Қишлоқда улкан ислоҳотлар амалга ошаяпти. Деҳқоннинг ҳақ-ҳуқуқи ўз қўлида, у — бугун фермер, у — бугун тадбиркор, у — бугун ўз ерининг эгаси, мулкдор, заминдор.

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Бугунги дориламон кунлар жуда кўплар қатори Мирза ота Оққуловга ҳам насиб этмади. У колхозда табелчи бўлиб иш бошлаганида 15 ёшда эди. Зуваласи пишиқ, абжир йигитча бора-бора кўпнинг ҳурматини қозонди. Бригадир, участка бошлиғи бўлди. Ўзи меҳнат қилган "Маданият" колхозида пахта устаси сифатида танилди. Ҳосилдорликни 25 центнердан 35-38 центнерга кўтарди. Ўз одамлари билан Тошкент канали қурилишида фидойилик кўрсатиб, республика раҳбарларининг раҳматномасига сазовар бўлди. Уруш йиллари фронтдаги жангчиларимизга совға-саломлар ташкил этди.

Мирза ота 1945 йилда "Маданият" колхозига раис қилиб сайланди. Бу лавозимда у беш йил ишлади. 1950 йилда колхозга Ойхўжа Йўлдошев раис бўлиб келгач, кўп йиллар раис муовини, участка бошлиғи сифатида фаолият кўрсатди. Унинг кейинги ҳаёт йўли Киров "Сельпо"си ва туман ўт ўчириш корхонаси билан боғлиқ. Ўт ўчириш хизматида у аввал бошлиқ ўринбосари, сўнг бошлиқ лавозимларида ишлади. Шу ердан пенсияга чиқди.

Қатор орден ва медаллар соҳиби, эл фарзанди Мирза ота Оққулов энди орамизда йўқ. Бугун — мана шу баҳор кунлари унинг қабри пойига гуллар тўшалган.

— Инсон вафот этгани билан у ном-нишонсиз кетмайди,— дейишди суҳбатда чол-кампир Шарофат ая билан Абдуқодир ота. Ундан яхши ном, яхши ишлар қолади. Фарзандлари у ёққан чироқни асло ўчирмайдилар. У ҳамиша дўстлари хотирасида яшайди, унинг ёди элда завол топмайди.

Ҳа, мўътабар кексаларимиз Абдуқодир ота ва Шарофат ая Мавлоновлар жуда тўғри айтишди. Яхшилик — эзгулик — умрибоқий нарса. Мирза отанинг муборак номи ўғил-қизлари қалбида абадул-абад яшайди, ардоқланади. Тўнғич фарзанди Малика Мирзаева Хўжақўрғон қишлоқ кенгашининг раиси, катта ўғли Сайфиддин Оққулов туман ўт ўчириш депосининг бошлиғи. Шоира ва Раънолар олий маълумотли ўқитувчи, Фахриддин эса қурилиш трестида ишлайди. Раҳматли Мирза отанинг набиралари кўп. У бунёд этган оила, у қурган бинода бугун ҳаёт чироғи ёниқ. Аминмизки, у ҳеч қачон ўчмайди.

**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.**

*Янги шеърлар*

# ЯШАМОҚ БАХТИ

Қуёш юзларидан ўпганда баҳор,
Фалак чеҳрасидан ёғилганда нур.
Севинчинг, илинжинг – табиат, боғлар,
Гулларга бурканиб сочилганда дур...
Кўзу киприкларга сурмалар тортиб,
Осмон кўзгусига солиб бўйларин.
Оқ-ҳарир кўйлакда, кўкраклар бўртиб
Сочин тараётган аёл сингари.
Борлиқ шундай гўзал, тиниқлашганки,
Ҳали қўл тегмаган олмага ўхшар.
Булут... капалаклар каби қувлашиб,
Гўзаллик – юз очган ғунчага ўхшар...
Шу борлиқ – гўзаллик аёлникидир,
Баҳор деб аталар бу аёл номи.
Сен ҳам уникисан, болакай, югур.
Яшнатиб қувнатиб келди жаҳонни...
Табиат гулларин бўйлагин тўйиб,
Кўксига юзингни қўйгил ялангбош.
Аёл – бахт кўксига лабларинг қўйиб
Бўйлагин... Бошингда порласин қуёш!
Баҳор – бахт нафасин боладай бўйла
Гул очди, гул сочди умр дарахти.
Гўзаллик нафасин унутиб қўйма,
О, қандайин бахт бу – Яшамоқ бахти!..

***

Салом баҳор. – Соғинчим менинг.
Муҳаббатнинг ширин онлари...
Шодлик, бахту илинжим менинг,
Умидимнинг дилбар тонглари.
Нафасингни кутдим соғиниб,
Дилдор васлин кутган сингари.
Нурлар бўлиб келдинг ёғилиб,
Унутилди ҳижронлар бари...
Лутф айладинг – ўзгарди осмон.
Қанотланди оқиш булутлар.
Севинчидан кулди ер – жаҳон,
Севинчидан яшнади боғлар.
Баҳор – сенга арғимчоқ солиб.
Учиб ўтди қушлар самода.
Гўзалликлар аста уйғониб,
Ширин бўйлар сочди шаббода...
Салом баҳор – соғинчим менинг...

**Шуҳрат ОТАБЕК.**

## САДОҚАТ ҚАДРИ

Покизасан покиза туйғу,
Ишонаман сенга мен фақат.
Гарчи дилга соларсан оғу,
Сиғинаман сенга муҳаббат.

Садоқатнинг қолмаса қадри,
Фидойилик бўлса нодонлик.
Музлаб қолса ҳарорат қалби,
Қайда қолар муҳаббат шўрлик.

Юрагимга кўмдим уни мен,
Пайдо бўлди ягона қабр.
Ўликларга ошиён эмас,
Ахир ҳаёт-мозор эмасдир.

Азобларга қўймагин ортиқ,
Тубанликдан олиб кет уни.
Инъом этган ул илоҳиёт –
Самовий хис эзмасин дилни.

Шафқат айла, шафқат, эй фалак,
Хор бўлмасин пок эзгу тилак.
Хаёлотга айлантир барин,
Буюк бўлиб қолсин муҳаббат.

Тарк этса гар юракни зиё,
Қолмайдими қуёш адашиб.
Ҳароратсиз қолса гар дунё,
Муз тоғлари кетар қалашиб.

Ишон менга ишон, эй дунё,
Токи борман мен бу ҳаётда,
Хижронларга қолмагай ўрин,
Жой қолмагай бир ҳиёнатга.

## ШАБНАМ

Қирмиз лола япроғи узра,
Қатра шабнам ўйнайди нурда.
Мусаффолик унинг кўнглида,
Армон кезар, армон дилида.

Номозшомдан токи субҳидам,
Бедор эди безовта шабнам.
Ғунча тафтин ювмоқлик учун,
Шуъласида чайилар ҳар дам.

Унга ҳар дам ёр эди баҳор,
Шул ўй ила гўзалдир хаёл.
У ўйларди мангу дилга ёр,
Абадийдир бу жўшқин баҳор.

Қуриб-қақшаб билмай ниҳоя,
Куз эртагин қилди ҳикоя.
Шабнам қатра ҳеч эмас қоя
Тош эмас у ҳаётдан зарра.

Ҳазонли куз ўтди-ю кетди,
Остонада кезмоқда баҳор.
Ўтмиш бу кун маромга етди,
Келажакка бир зум сол назар...

Баҳорий тонг чечакларидан,
Ясаб кулгу гулдастасини –
Ўтмишингнинг чўпчакларидан,
Олисларга олиб кет уни...

**Саодат УМУРЗОҚОВА**

## • ШИФОКОРЛАР МАСЛАҲАТИ

# УЗОҚ УМР КЎРИШ СИРЛАРИ

Биз узоқ умр кўрганлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб турамиз. Улар ҳалол, меҳнаткаш, тинч-хотиржам инсоннинг узоқ яшашини бир овоздан таъкидлайдилар. Ана шу фазилатлар киши танасини емирилишдан сақлар экан. Кексалар бизга саломатликка путур етказадиган ҳолатлар ҳақида ҳам гапириб бердилар. Булар орасида, айниқса, ортиқча овқатланишнинг зиёни кўпроқ эканлигини қайд қилдилар. Ейиш учун яшаш керак эмас, балки яшаш учун ейиш керак. Бунинг маъноси шуки, инсон таом истеъмол қилишнинг меъёрини билиши лозим. Акс ҳолда ошқозонга юк тушиб, кўнгилсиз хасталиклар бошланиши табиий.

Тананинг доимо қушдек енгил юришида хўл мева ҳамда қуритилган мевалар муҳим роль ўйнайди. Аммо, кўп қувват сарфлашни талаб қиладиган меҳнат жараёни кучли овқатларни тақозо этади. Буни ҳисобга олмаса, тана заифлашиб, касалликка учраши мумкин.

Демак, овқатланишда мижозга, меҳнатга қараб режа бўлиши керак. Лекин, кўпчилик бунга риоя қилавермайди. Зўр овқатларга ружу қўяди, тартибга риоя қилмайди. Оқибатда ўз умрига заволлик келтиради.

Соғлом юриш, узоқ умр кўришнинг омиллари қаторида отахонлар "чала қурсоқ"ликнинг фойдасини ҳам ти га олдилар.Масалан, хафтада бир кун оч юришлик бадандан кўплаб заҳарли моддаларнинг чиқиб кетишига сабаб бўлади. 24 соат ичида фақатгина қайнатилган сув ичиш мумкин. Заҳарли моддаларни танадан чиқаришда уқалаш, ванналар, ҳуқналар ва тоза ҳавода юришлик катта ёрдам беради. Овқат иложи борича кам тузли бўлиши керак. Ҳафтада уч-тўрт марта гўшт истеъмол қилишнинг ўзи етарли. Шу муддат ичида икки-уч дона тухум ейиш ҳам маром ҳисобланади.

Биз билган маълумотларга қараганда, ҳайвонлар қандай яшаши ва нимани еб-ичиш зарурлигини яхши ҳис қилар эканлар. Агар, улар яралансалар, ёки касаллансалар, озиқланишни вақтинча тўхтата олишади. Шу йўл билан касалликларини тузатадилар. Инсон танасидаги заҳарли моддалар ичаклар, буйраклар, ўпка ва тери орқали чиқиб кетади. Уларни чиқариш учун етарли қувват керак бўлади. Очлик ҳар бир ҳужайрага, аъзога етиб бориб, инсоннинг ҳаётий кучларини жўштиради. Туйғулар ва ақл ўткирлашади, мия яхши ишлай бошлайди.

Очлик кўп дардга даво. Хусусан, у бўғин оғриғини ҳам чекинтиради, касаллик пайдо бўлган бўлса, уни енгиллаштиради.

Маълумки, табиат ҳар бир бўғинни етарли даражада кўкимтир суюқлик қопламаси билан таъминлаган. Бу суюқлик бўғинлар букилиши ва эгилиши учун хизмат қилади.

Ортиқча тўйиб овқатланганда бўғинларда овқат қолдиқлари-қуйқалар тўпланади. Бу қуйқалар кейин бўғинларга оғриқ беради, суюқлик йўлини тўсиб ҳаракатни сусайтиради. Бора-бора бўғинлар катталашади, касаллик тиззага, сонга, белга, елка бўғинларига ва қўл бўғинларига ўта бошлайди. Баъзи ҳолларда бўғинлар шу даражада заҳар тўплайдики, ҳатто, муштни йиғиш қийин бўлиб қолади. Одамлар бундай ҳолатни ёшим ўтиб бораётганидан деб билишади. Бу бекор гап. Асосий сабаб бўғинларда заҳарли заррачалар қуйқалари йиғилиб кўкимтир суюқликнинг ўрнини эгаллаши оқибатидир. Шундай ҳолатда дарддан ҳоли бўлишнинг бирдан-бир белгиси очлик усулини қўллаш ҳисобланади. Очлик бўғинларда йиғилиб қолган қуйқаларни сингдиради ва секин-аста бадандан қувиб чиқаради.

Бир гуруҳ машҳур олимлар, ҳакиму табиблар гурунгида узоқ яшашлик тўғрисида буюк мутафаккир табибимиз Абу Али ибн Сино эркакларга нисбатан аёлларнинг узоқ яшашини ҳам асослаб берган эканлар. Аслида эркаклар кучли, бақувват, забардаст, аёллар эса нозик, бўладилар. Нега умрлари фарқ қилади? Чунки; аёл зотида ҳаракат кўп.Ҳамма гап ана шунда. Эркаклар куч-қувватларини маълум бир меҳнатга, касб, хунарга сарфлашади, аёллар эса эрта тонгдан кечқурунгача тиниб-тинчимай, ҳаракатда бўладилар. Бундан ташқари, аёлларга табиат фарзанд кўришдек олий бир туҳфани ҳам берганки, бунда аёл танасидаги қон янгиланади, бу ҳам узоқ умрга заминдир.

Эркаклар баъзан айш-ишратга бериладилар. Бу билан ўз саломатликларига путур етказадилар. Ана шу омиллар ҳисобга олинса, инсоннинг энг бебаҳо неъмати — сиҳат-саломатли "хазинаси" узоқ вақт сақланиб қолади.

**Ж. ХЎЖАЕВ,**
**А. АБДУРАҲИМОВ,**
**Ҳ. ШОУМАРОВ,**
**Ш. БЕКМИРЗАЕВ,**
**шифокорлар.**

## ДЗЮ-ДО

Тошкентда дзю-до кураши бўйича Ўзбекистон биринчилиги учун мусобақалар тугади. Армия спорт мажмуида энг кучли полвонлар тўпландилар. Бу ерда республика миллий терма командаси иштирокчилари аниқланди. Ўзбекистон дзюдочилари Япониянинг Хиросима шаҳрида бўладиган Осиё ўйинларида мустақил команда сифатида иштирок этадилар.

## СУВ ТОЗАЛАЙДИГАН ҚУРИЛМА

Чирчиқдаги экологик кимёвий асбоблар заводи мутахассислари сувни ультрабинафша нурлар ёрдамида микроорганизмлар ва турли аралашмалардан тозалаб берадиган ихчам қурилма ясадилар. Ундан фойдаланиш яроқли ҳисобланмаган манбалардан ҳам тоза сув олиш имконини беради. Бундай ихчам қурилма фермаларда, дала шийпонларида, болалар муассасаларида, ошхона ва шифохоналарда сифатли сув олиш учун жуда зарур.

Пул билан таъминлаш масаласи ижобий ҳал этилган тақдирда бу йил ихчам қурилманинг тажриба намуналарини тайёрлаш, сўнгра эса уни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш назарда тутилмоқда.

**(ЎзА мухбири).**

# ТОШКЕНТ ГУГУРТИ

Республика пойтахтининг Сирғали туманида гугурт ишлаб чиқарадиган "Ўзэллас" Ўзбекистон-Эллада қўшма корхонаси ишлай бошлади. Бу ерга ўрнатилган тўртта автомат линияда илгари Россиядан сотиб олишга тўғри келган, рўзғорга жуда зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Қўшма корхонани Грециядаги "Импекс Гроуп" фирмаси билан "Ўзқурилишёғочсаноат" биргаликда ташкил этган. "Ўзқурилишёғочсаноат" раҳбари А. Ҳайитов ЎЗА мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Янги корхона лойиҳадаги қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига 300 миллион қути гугурт ишлаб чиқарилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу — республиканинг бутун эҳтиёжини таъминлаш учун етарли бўлади. Россиядан одатда йилига 550-600 миллион қути гугурт сотиб олинар эди. Лекин, бу "майда-чуйда" маҳсулотга муносабат қандай бўлганини яхши биласиз — дўконда қайтимга гугурт берилардн, керак бўлса-бўлмаса гугурт харид қилаверар эдик. Хуллас, гугурт исроф бўлар эди. Эндиликда гугуртнинг нархи анча ошди, одамлар тежамкор бўлиб қолишди, кўп кишилар газ ва электр зажигалкадан фойдаланадиган бўлди. Шу сабабли, "Ўзэллас" қўшма корхонаси республикамиз эҳтиёжини тўла таъминлашига ишонамиз. Корхонамиз гугурт қутисида рекламаларни босиб чиқариш имкониятига ҳам эга.

Ўтган йилнинг май ойида Греция томони билан битим тузилган эди. Ҳамма ишни бажариш учун 22 ой муддат белгиланди. Иш эса, кутилганига зид даражада анча жадаллашди. Август ойида Грециядан машина-ускуналар келтирилди, Ўзбекистондаги оғир саноат корхоналарини лойиҳалаштириш институти мутахассислари қисқа муддатда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашди, "Ўзсаноатхўжаликқурилиш" ходимлари эса, биноларни тезда тиклашди. Машина-ускуналарни ўрнатишни тезлатиш учун Россиядаги Балабанов гугурт фабрикасидан мутахассислар таклиф этилди, Грециядан ҳам мутахассислар келишди. Улар икки сменада ишлашди. Сирғали тумани ҳокимлиги бу ишда катта ёрдам берганини таъкидлаш керак. Аҳиллик билан ишлаш натижасида саккиз ойда корхона ишга туширилди.

— Хомашё қаердан келади? Гугурт ишлаб чиқариш унча осон иш эмас-ку?

— Бизнинг тол дарахтимиз — гугурт тайёрлаш учун жуда асқотади. Уни республика ўрмон хўжаликлари етказиб беради. Саноатда фойдаланиладиган тол дарахти етиштириш муаммо эмас. Яна бир қўшма корхонамиз —"АС-АС" ҳам ҳозирча бизга ёғоч маҳсулотлари олишда ёрдам бермоқда. Бу корхонада Асака шаҳридаги бўлинмамиз Томск вилоятининг Асино шаҳридаги ёғоч етказиб берувчилар билан ҳамкорлик қилмоқда. Иркутск вилоятидан ҳам ёғоч олиб турибмиз. Гугурт ишлаб чиқариш учун зарур бўлган қизил фосфор, бертолет тузи, сурма ва қумни ҳам сотиб оламиз.

Гугурт ишлаб чиқариш жуда мураккаб иш. Оддий гугурт қутисини ясаш учун 22 хил маҳсулот талаб қилинади. Бунинг устига, бинода ҳаво жуда тоза бўлиши, ҳарорат 24-25 даражадан ошмаслиги, эҳтиёт чоралари кўрилиши керак. Ҳуллас, гугурт ясаш — нозик иш. Ҳозир "Ўзэллас"да 120 киши ишлаяпти.

**Г. КОВАЛЬ,**
**ЎзА мухбири.**

---

Тошкент вилояти ҳокимлиги маҳкамаси ҳамда Зангиота тумани ҳокимлиги туман ҳокими муовини Абдумажид Абдураҳмоновга отаси

**Абдумавлон**
**АБДУРАҲМОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар ва унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирадилар.

---

Тошкент вилояти ҳокими маҳкамасининг матбуот бошқармаси ва Бекобод шаҳар босмахонаси жамоалари матбаа аълочиси

**Эркин Йўлдошевич**
**МАНСУРОВ нинг**

бевақт вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига ҳамдардлик изҳор қиладилар.

---

Тошкент вилояти сув хўжалиги бирлашмаси маъмурияти, меҳнат жамоаси бирлашманинг собиқ раҳбари, республикада хизмат кўрсатган ирригатор

**Бекмурод**
**УСМОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

---

Тошкент вилоят адвокатлар коллегиясининг жамоаси Ишлар мудири Саида Содиқхўжаевага опаси

**Дилбар Болтахўжаевна**
**СОДИҚХЎЖАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ

Тошкент ҳақиқати
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700000 ТОШКЕНТ, ГСП МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар:
ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БЎЛИМИ — 33-40-48.
АХБОРОТ, ТИЖОРАТ ВА ЭЪЛОНЛАР БЎЛИМИ — 33-99-15.

• Эълон ва билдирувлар кечиктирилмай чоп этилиши кафолатланади.
• Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672. 1 2 3 4 5 6

Руйхатдан ўтиш тартиби N 8. Буюртма Г – 893. 20970 нусхада босилди, ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А – 2. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди 20.30.